

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 105-ҳадис

105 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «بِحَسْبِ امْرِيِّ إِنَّ الشَّرَّ أَنْ يَحْقِرَ أَخَاهُ الْمُسْلِمِ» . رَوَاهُ مُسْلِمٌ، وقد سبق قريباً بطوله.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кишининг мусулмон биродарини паст санамоғи унинг ёмон эканига кифоя қилади», дедилар.

Ином Муслим ривоятлари. Узун ҳолдагиси бироз олдин келди.

Шарҳ: Мусулмон бирор кимсани паст санамайди. Эҳтимол, у менсимаётган киши Аллоҳнинг ҳузурида энг афзал киши бўлиши мумкин. Паст санашхунук исм ёкм лақаб билан чақириш ёки кишилардан устун келиш, ўзини кўрсатиш мақсадида одамларни орқали обрўсизлантириш, ерга уриш, уларга паст назар ила қараб, такаббурлик қилиш билан бўлади.

Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Мусулмон киши биродарини паст санаши, камситиши ҳаромлиги.
2. Мусулмон киши биродарини асоссиз паст санаши, таҳқирлаши уни ёмон инсон эканига кифоя қилади.
3. Бошқалардан устун келиш ва улар ёқтирамайдиган исмлар билан чақириш, уларни паст санаганининг, ерга урганининг белгисидир.
4. Биродарини ранги, ирқи, келиб чиқиши, насаби ва оиласи ёки бажараётган вазифасини айблаш- уни камситганини билдиради.

Манба: hadis.islom.uz



